

«ТАСДИҚЛАНГАН»
Ўзбекистон Республикасининг
Хусусийлаштириш, монополиядан
чиқариш ва рақобатни ривожлантириш
давлат қўмитаси
Раиснинг биринчи ўринбосари



_____ Гафаров С.Х.

2016 йил « ____ » _____

**“O’zqurilishmateriallari” акциядорлик компанияси ягона акциядори йиғилишининг
БАЁННОМАСИ**

2016 йил « 30 » август

Тошкент шаҳри

Қатнашдилар:

“O’zqurilishmateriallari” акциядорлик компанияси ягона таъсисчиси - Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасидан (кейинги ўринларда - Давлат рақобат қўмитаси деб юритилади) - Раиснинг биринчи ўринбосари С.Х.Гафаров.

Таклиф этилганлар:

Давлат рақобат қўмитаси бошқарма бошлиғи – Б.Хайдаров;

“O’zqurilishmateriallari” акциядорлик компанияси бошқарув раиси ўринбосари – А.Махаммадиев.

Давлат рақобат қўмитаси “O’zqurilishmateriallari” АК ягона таъсисчиси бўлганлиги, Қўмитанинг 2016 йил 27 июндаги 03 қ-ПО-сонли буйруғига асосан ягона таъсисчининг қарорини тасдиқлаш ваколати раиснинг биринчи ўринбосари С.Гафаровга берилганлиги сабабли қворум 100 фоизни ташкил қилди. Йиғилиш ваколатли ҳисобланади.

Йиғилиш раиси этиб Давлат рақобат қўмитаси раисининг биринчи ўринбосари Гафаров С.Х. ва котиби этиб Давлат рақобат қўмитаси бошқарма бошлиғи Б.Хайдаров сайланди.

ЙИГИЛИШ КУН ТАРТИБИ:

1. Қимматли қоғозлар бозорини мувофиқлаштириш ва ривожлантириш маркази томонидан 2016 йил 30 июнда Р0626-2-сон билан рўйхатдан ўтказилган “O’zqurilishmateriallari” акциядорлик компаниясининг акциялар бирламчи чиқарилиши тўғрисидаги қарорга ва уставига ўзгартириш киритиш тўғрисида.

Кун тартибидаги масала бўйича “O’zqurilishmateriallari” акциядорлик компанияси бошқарув раиси ўринбосари – А.Махаммадиевнинг ахбороти эштилди:

Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 9 октябрдаги 289-сонли “Давлат мулки объектларидан самарали ва оқилона фойдаланиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида “O’zqurilishmateriallari” АК томонидан умумий қиймати 1 000 000 000 000 (бир триллион) сўм бўлган номинал қиймати 1 000 сўмлик 1 000 000 000 дона оддий акциялар чиқарилган.

Компаниянинг бирламчи акциялар чиқарилуви Қимматли қоғозлар бозорини мувофиқлаштириш ва ривожлантириш маркази томонидан 2016 йил 30 июнда Р0626-2-сон билан давлат рўйхатига олинган.

“O’zqurilishmateriallari” АКнинг бирламчи акциялар чиқарилуви Давлат рақобат қўмитасига жойлаштирилиши ва чиқарилган акцияларга ҳақ тўлаш Вазирлар

Маҳкамасининг 2015 йил 9 октябрдаги 289-сонли қарорининг 3-иловасида кўрсатилган давлат активларини компаниянинг устав капиталига бериш ҳисобига амалга оширилиши кўрсатилган.

Вазирлар Маҳкамасининг юқоридаги қарори 3-иловасида кўрсатилган давлат активларидан - “Bekobodsement” АЖ, “Qizilqumsement” АЖ ва “Tog-geologiya jamlama ekspeditsiyasi” МЧЖ устав фондидаги давлат улушларининг жами баҳолаш қиймати 948 026 440 071 сўмни ташкил этилганлиги сабабли Компания томонидан чиқарилган акцияларнинг 948 026 440 донаси жойлаштирилган.

“O’zqurilishmateriallari” АКнинг бирламчи акциялар чиқарилувини жойлаштириш муддати 2016 йил 30 июлда тугуганлиги сабабли компаниянинг жойлаштирилмаган акцияларини (51 973 560 дона) бекор қилиш ҳамда бу билан боғлиқ ўзгартиришларни компания уставига киритиш лозим.

“O’zqurilishmateriallari” акциядорлик компанияси бошқарув раиси ўринбосари – А.Махамдиев “O’zqurilishmateriallari” АКнинг бирламчи акциялар чиқарилуви ва уставига киритиладиган ўзгартиришлар лойиҳаси билан йиғилиш иштирокчиларини таништирди.

Кун тартибидаги масала йиғилиш иштирокчилари томонидан муҳокама қилинганидан сўнг, **қарор қилинди:**

1. “O’zqurilishmateriallari” акциядорлик компаниясининг акциялар бирламчи чиқарилиши тўғрисидаги қарори ва уставига ўзгартирилишлар киритилсин.

2. “O’zqurilishmateriallari” акциядорлик компаниясининг акциялар бирламчи чиқарилиши тўғрисидаги қарори ва уставига киритилаётган ўзгартиришлар матни тегишлиги бўйича 1 - ва 2 - иловаларга мувофиқ тасдиқлансин.

3. Компания ижроия органига компания акциялар бирламчи чиқарилиши тўғрисидаги қарори ва уставига киритиладиган ўзгартиришларни белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказишни таъминлаш топширилсин.

Бошқарма бошлиғи



Б. Хайдаров

